



# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqq boshlagan e-mail: uzas@mcs.uz 2013-yil 28-iyun • №26 (4217)

## МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли дўстлар!  
Авваламбор, сиз, азизларни, оммавий ахборот воситалари, нашриёт ва матбаа соҳасида хизмат қилаётган инсонларни бугунги касб байрамингиз билан чин қалбимдан муборакбод этишдан ва барчангизга ўз хурмат-эҳтиромимни билдиришдан хурсандман.

27 июнь куни – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни деб эълон қилинган бу санага бу йил роппа-роса йигирма йил тўлаётгани нафақат соҳа хизматчилари, балки уларнинг ижод ва меҳнат маҳсулидан баҳраманд бўладиган миллионлаб муштарийлар, одарча зиёлиларимиз томонидан мамлакатимизда қутлуғ байрам сифатида нишонланаётгани ҳаммамизга катта мамнуният етказди.

Ҳеч шубҳасиз, ана шу тарихан қисқа даврда Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари жамиятимизда амалга оширилаётган чуқур ижтимоий-сиёсий ислохотлар, замон талабларига жавоб берадиган демократик янгиланишларнинг кўзгусига, одарча зиёлиларимиз томонидан мамлакатимизда қутлуғ байрам сифатида нишонланаётгани ҳаммамизга катта мамнуният етказди.

Ҳеч шубҳасиз, ана шу тарихан қисқа даврда Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари жамиятимизда амалга оширилаётган чуқур ижтимоий-сиёсий ислохотлар, замон талабларига жавоб берадиган демократик янгиланишларнинг кўзгусига, одарча зиёлиларимиз томонидан мамлакатимизда қутлуғ байрам сифатида нишонланаётгани ҳаммамизга катта мамнуният етказди.

Юртимизда янги ҳаёт куриши, янги марраларни эгаллаш борасида босиб ўтган мустақил тараққиёт йўлимизни сарҳисоб қилар эканмиз, Ватанимиз эришган барча-барча ютуқларда, ҳаётимизда амалга оширилаётган, ўзгаларнинг ҳавасини тортаётган улкан ўзгаришларда сиз, азизларнинг муносиб ҳиссангиз борлигини халқимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Матбуот ва оммавий ахборот воситаларининг ҳаётимиздаги ўрни ва таъсири ортиб, халқимиз ўртасида "Тўртинчи ҳокимият" сифатида тобора катта ишонч ва ҳурмат қозониб бораётган экан, бунинг негизда авваламбор журналистлар, кўп ҳолларда кўзга ташланмайдиган камтарин муҳаррирлар, ноширлар, матбаа соҳаси ва замонавий ахборот-коммуникация тармоқларининг минг-минглаб захматкаш ишчи-хизматчиларининг кундалик оғир ва сермахмақат меҳнати муҳассам, десам, ўйлайманки, кўпчиликнинг фикрини ифода этган бўламан.

Шу борада жамиятимизнинг бугунги ва эртанги куни бўладими, узоқ келажаги ва порлоқ уфқлари бўладими, бир сўз билан айтганда, Ўзбекистонни дунёдаги тараққий топган мамлакатлар қаторига кўтаришдек юксак марраларни кўзлаган қонунларимиз, дастурларимиз бўладими – буларнинг барчасини амалга ошириш учун халқимизга очик ва равшан қилиб етказиш, эл-юртимизни сафарбарликка қорлаш, руҳини кўтариш йўлида матбуот ва ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти бекиёс десам, айна ҳақиқатни айтган бўламан. Ва бу оғир юкни, бундай масъулиятли вазифани сиз, азиз дўстларим шараф билан ўз зиммангизда, ўз елкангизда кўтариб келмоқдасиз.

Матбуот, телевидение, турли информация воситаларининг – бугунги глобаллашув замонида жаҳон миқёсида барча-барча ўлкалар ва халқлар ҳаётида халқилуви ўрин олаётган бу соҳанинг тобора ошиб бораётган аҳамияти ва таъсири ҳақида ортиқча гапиришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман.

Бугунги кунда жамият, фуқаролик институтлари, қолаверса, ҳар қайси инсоннинг ҳаёти айнан ахборот-коммуникация соҳалари билан узвий ва чамбарчас боғлиқ бораётганини инобатга олмайдиган мамлакат ўз ривожига умумбашарий тараққиётдан четда қолиб кетиши ва интеллектуал бойлигидан жудо бўлиши табиийдир.

Ҳаётда ўз тасдиғини топган ана шу ҳақиқатни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари фаолиятини давр талаблари даражасига кўтариш учун уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, соҳа ходимларининг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва нуфузини ошириш, машаққатли меҳнатини рағбатлантириш мақсадида марказий ва ҳудудий теле-радиоканаллар, вилоят ва туман газеталарида, мавжуд 150 дан зиёд нашриёт, 1630 дан ортиқ матбаа корхонасида кенг қўламли ислохотлар, техник ва технологик янгилаш жараёнлари амалга оширилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Шулар қаторида матбуот ва оммавий ахборот воситалари, нашриёт, матбаа корхоналари ва матбуот тарқатувчи ташкилотлар учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар берилгани, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича олиб борилаётган ишлар бугунги кунда ўзининг катта амалий самарасини бермоқда.

Айна ҳаётда аҳолининг тезкор ва ҳаққоний ахборот олишига бўлган эҳтиёжини юксак даражада таъминлаш, телекўрсатувларнинг мазмуни ва сифатини ошириш мақсадида мамлакатимизда рақамли телевидениега ўтиш бўйича кенг қўламли ишлар олиб борилаётган. Фақатгина жорий йилнинг ўзида бу борадаги кўрсаткични 42 фоиздан 45 фоизга етказиш кўзда тутилаётгани айниқас эътиборлидир.

Жумладан, охириги вақтда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси таркибиде "Маданият ва маърифат", "Дунё бўйлаб", "Болажон" телеканаллари ташкил этилгани, ҳеч шубҳасиз, бу йўлдаги яна бир муҳим қадам бўлди.

Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг салоҳияти тобора ўсиб бораётганининг тасдиғини юртимизда оммавий ахборот воситалари соҳаси 1991 йилга нисбатан қарийб 3,5 баробар ортиб, 1326 тага етгани, фуқаролик жамиятининг муҳим шартли бўлган нодавлат оммавий ахборот воситалари тармоғи шаклланиб, самарали фаолият кўрсатаётгани, аънанавий ахборот тизимлари билан бирга интернет сайтлари, интернет-радио, интернет-телевидение ҳам ҳаётимизда кенг ўрин эгаллаб бораётгани мисолида аққол кўриш мумкин.

Ўзбекистон теле-радио каналлари томонидан тайёрланаётган кўрсатув ва эшиттиришлар глобал тармоқ орқали реал вақт режимида дунёнинг кўплаб давлатларига узатилаётгани, юртимиз оммавий ахборот воситаларининг аксарияти интернетда ўз веб-сайтига эга экани мамлакатимизнинг халқаро медиамажондан муносиб ўрин эгаллаши учун хизмат қилиши шубҳасиз.

Бугунги байрам кунда нафақат ана шундай ижобий натижалар ҳақида сўз юритиш, балки матбуот ва оммавий ахборот воситаларимизнинг олдига турган долзарб вазифалар, йўлимизда ҳали-бери тўсиқ-ғов

бўлиб, ўз ечимини қутаётган масалалар ҳақида ҳолисона ва атрофлича фикр алмашиб олишимиз айна мудоа бўларди.

Шу маънода, маънавий ҳаётимизни, бу йўналишда олиб бораётган сибстимизни, бугун шиддат билан ўзгартириб бораётган замон билан уйғун ва ҳамоҳанг ривожлантириш мақсадида бизнинг ўзлимиз, ҳаёт ва тафаккур тарзимизнинг ифодаси бўлган миллий қадриятларни кўз қорачиғидек асраб, шу билан бирга, жаҳон миқёсида эришилган, эътироф этилган умумбашарий ютуқларга таяниб, уларни ўзлаштириб иш олиб боришимиз зарур. Ва айнан ана шундай мезонлар матбуот ва оммавий ахборот воситалари фаолиятининг асосий тамойилларини ташкил қилиши керак.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда ана шу талабларга жавоб бера оладиган, эски тузум асоратлари ва қолипларидан бутунлай холи бўлган, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини, чет тилларни пухта эгаллаган журналистларнинг янги авлоди шаклланиб келаётгани барчамизни қувонтиради.

Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг жаҳон ахборот майдонида ўзини муносиб намоён эта олиши бугунги кунда жуда катта аҳамиятга эга. Мана шундай ўта муҳим ва долзарб вазифани амалга оширишда давлатимиз, бутун жамиятимиз, шахсан ўзим зарур кўмак ва рағбатлантириш чораларини кўришга, сиз, журналистларнинг олдингизда пайдо бўлаётган турли муаммоларни биргаликда ечишга тайёр эканимни билдиришни истардим.

Барчамизга яхши аёнки, эл-юртимиз, жамиятимиз журналистлар фаолиятига авваламбор уларнинг ўз Ватани, ўз халқи ҳаётига дахлдорлик туйғуси, граждонлик позицияси, ижтимоий масъулиятга қараб баҳо беради ва ўйлайманки, бу энг тўри ва ҳаққоний баҳоидир.

Шу нуктага назардан қараганда, бугунги нотинч ва таҳликали замонда юртимиздаги тинч ва осуда, эркин ва фаровон ҳаётни асраш ва мустаҳкамлашда сиз, азиз журналистлардан халқимиз янада кўпроқ фаоллик ва жонбозлик кўрсатишни кутишга ҳақлидир. Айниқас, униб-ўсиб келаётган ёшларимизни мустақил фикрлайдиган, бизнинг қандай буюқ тарих ва меросга эга эканимизни аяглаб, ана шу бебаҳо бойлики қадрлаб яшайдиган, биз бошлаган улғу ишларнинг муносиб давомчилари бўлган инсонлар этиб вояга етказишда матбуот аҳлининг ҳаққоний сўзи, унинг таъсири гоят муҳим, айтиш мумкинки, ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз лозим.

Мухтарам дўстлар!

Бугун юртимизда матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари байрамини кенг нишонлар эканмиз, миллий журналистикамиз ривожга йўлида ўзини аямасдан, фидокорона меҳнат қилиб келаётган барча инсонларни, мухтарам фахрийларимизни ушбу қутлуғ сана билан яна бир бор самимий табриқлайман.

Доимо соғ-омон бўлинг, умрингиздан, меҳнатингиздан барака топинг, азизларим!

Ислом ҚАРИМОВ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти



## МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ АБАДИЙ БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида" ги қарорини ўқиб



### ХАЛҚ РУҲИНИНГ ИЗҲОРИ

Ҳар йили мустақиллик байрамимиз тантаналари ўз шiori, гоёсига эга бўлмоқда. Шиорлар халқимиз қалбига сингиб бормоқда. Эътибор берсангиз, ҳар шиорда теран мазмун, маъно бор:

2010 йил – "Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон!"

2011 йил – "Буюқ ва муқаддасан, мустақил Ватан!"

2012 йил – "Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!"

2013 йил – "Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!"

Бу шиорларни ўқиган, айтган, эшитган киши халқимизнинг "Чин юракдан сўз айтсанг, борар тўғри юракка", деган иборасини эслайди. Улар қўшиқларга айланиб бораётгани бунга тасдиқлаб турибди.

Бу йил байрам тантаналарига "ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМсан, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!" деган гоё кўтаринки руҳ бераётир.

Бу сўзларда миннатдор халқимизнинг Озод, Обод, Фаровон Ватанига садоқат изҳори бор. Шиорнинг марказида Мустақил Ўзбекистон. Тўрт сўз уни тўрт томондан қўллаётир.

Қадр – одамнинг одамлар кўрсиде, халқнинг халқлар ўртасида топган ҳурмати, ўрни, обрў-эътиборини, нуфузини билдиради. Қиммат сўзи қўшилганда қадрининг даражаси жуда баланд эканлиги таъкидланади. Бу сўзлар мустақил Ўзбекистонга қараб айтаилапти.

Одам қачон хор, бахтсиз бўлади? Агарда эл назаридан қолса ёки қадр-қиммати ерга урилса, поймол қилинса. Шуро даврида халқимиз очарчиликларни ҳам кўрди. Зоғора нон, кунжа еди. Улмади, синмади. Лекин беқадрликдан юраклари эзлиб яшади. "Қорнимга эмас, қадримга йўғлайман", деб юборди.

Қадр-қиммат байрамларимизнинг номларига ҳам сингиб кетган. 9 май – "Хотира ва қадрлаш куни" бунга мисол. Бу, "қадр-қиммат"

тушунчаси мустақил Ўзбекистон маънавиятининг мезонларидан бирига айланганидан далолат эмасми?

Таянчим! Таянч – бирор нарсани тик, барқарор кўтариб турадиган пойдевор, устун, восита. Одам ўрнидан туриши, олдига қараб юриши учун ерга, Ватанига таянади.

Таянчи йўқ одам саҳрода шамол юмала-тиб кетаётган хас-хашакка ўхшайди. Оёғини босадиган таянчи бўлмаса, у қандай тўхта-син? Қандай турсин? Қандай юрсин?

Шиорда бу сўз ҳам Ватан (мустақил Ўзбекистон)га бағишланган. Яъни, "Мустақил Ўзбекистон! Сен менинг қаддимни тик, барқарор тутиб турган пойдеворимсан. Менга куч-қудрат бераётган, қўлаб-қувватлаётган, таянч кучим – ўзинсан!", дейилмоқда.

Одам ўз қалбиде шон-шарофни хис қилганда, уни фахрлантирган сабабга қараб, тўқилганиб, "ифтихоримсан" дейди. Ватан ифтихори эса – энг олий ифтихор.

Ифтихор изҳорини лоқайд кимсалар, "Менга бари бир", дейдиган космополит, "дунё фуқаролари" айта олмайдди. Уни фақат Ватанига содиқ инсонлар юксак дахлдорлик туйғуси билан айта оладилар.

Шунинг учун ҳам давлатимиз 1998 йилдан бошлаб жаҳон чемпионатлари, олимпиадаларда Ватан обрўсини, шону шухратини улуғлашган энг яхши фарзандларимизга "Ўзбекистон ифтихори" фахрий унвонини бериб келмоқда.

Ватан – Она. У мустақил бўлса ҳам, бўлмаса ҳам севилади, эъзозланади. Лекин мунгли, ғамгин Ватанга қараб: "Қадр-қимматим, таянчим, ифтихоримсан", дейишга тил айланмайди.

Бугун халқимиз бу тўрт сўзни бор овоз билан, қўси тўлиб, баралла айтмоқда.

Мамлакатнинг истаган нуктасида туриб, тўрт томонингизга қаранг. Бу сўзлар бежиз айтилмаганини кўрасиз.

Давоми 2-3-саҳифаларда.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қиймати 5000 сўм бўлган пул билетларини муомалага чиқариш тўғрисида

2013 йилнинг 1 июлидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қиймати 5000 сўм бўлган янги пул билетларини муомалага чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қиймати 5000 сўм бўлган пул билетлари 144 x 78 мм. ўлчамдаги химояланган қоғозда тайёрланган.

Банкнотнинг ўнг тарафидеги кенг оқ рангли сатҳда Ўзбекистон Республикаси Герби ва «5000» рақами кўри-нишида сув белгиси мавжуд.

Оқ рангли сатҳнинг чап тарафидан қоғоз қатламда голографик эффекти

ичкарига ботувчи химоя ипи ўтказилган. Билет олд томонининг юқори қисмида «O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI» ёзуви мавжуд.

Чап қисмида нақшкор элементлар фониде Ўзбекистон Республикаси Герби тасвирланган.

Гербнинг пастки қисмида етти та рақамли номери билан икки лотин ҳарфидан иборат серияси жойлашган.

Нақшкор рамканиннг ўнг ва чап бурчакларининг қуйи қисмида, шунингдек, Гербнинг ўнг тарафиде билетнинг қийматини билдирувчи

«5000» рақами тасвирланган.

Гербнинг ўнг тарафидеги «5000» рақами устига йирик ҳарфлар билан «SO'M» сўзи ёзилган. Ушбу тасвир тепасида билет қиймати сўз билан

«5000» рақамлари бўртиб туради, ушлаб кўрилганда сезилади.

Оқ рангли сатҳда жойлашган «5000» рақами унинг диагонали бўйича фарқланган икки хил рангда ишланган.

Рақам тепасида билетнинг номери ва серияси такрор кўрсатилган. Оқ рангли сатҳнинг юқори қисмида қиялик бурчагининг ҳолатига қараб рангини бронза рангидан яшил рангга ўзгартирувчи ва ушлаб кўрилганда билинадиган бўртиб турувчи нақш мавжуд.

Нақш тепасида банкнот чиқарилган йил «2013» кўрсатилган.

Банкнотнинг орқа томони чап қисмидаги оқ рангли сатҳда сув белгилари кўринади. Оқ рангдаги сатҳнинг юқори ва пастки қисмида рангли нақшкор безаклар жойлашган бўлиб, пастки безак устида «5000» рақами акс эттирилган.

Банкнотнинг марказида «OLIY MAJLIS» мезморий биноси, бино муомаласида тепасида Ўзбекистон Республикасининг рангли байроғи тасвирланган.

Расмнинг юқори чап бурчагида бир-бирини кесиб ўтувчи «5000» ва «SO'M» ёзувлари мавжуд бўлиб,

уларнинг тепасида банкнотнинг қиймати сўз билан «BESH MING» кўрсатилган.

Уларнинг пастки қисмида турли баландликдаги, қиялик бурчагининг ҳолатига қараб рангини бронза рангидан яшил рангга ўзгартирувчи ва ушлаб кўрилганда билинадиган бўртиб турувчи нақш мавжуд.

Нақш тепасида банкнот чиқарилган йил «2013» кўрсатилган.

Банкнотнинг орқа томони чап қисмидаги оқ рангли сатҳда сув белгилари кўринади. Оқ рангдаги сатҳнинг юқори ва пастки қисмида рангли нақшкор безаклар жойлашган бўлиб, пастки безак устида «5000» рақами акс эттирилган.

Банкнотнинг марказида «OLIY MAJLIS» мезморий биноси, бино муомаласида тепасида Ўзбекистон Республикасининг рангли байроғи тасвирланган.

Расмнинг юқори чап бурчагида бир-бирини кесиб ўтувчи «5000» ва «SO'M» ёзувлари мавжуд бўлиб,





# ТИЛЛАРДАН ТИЛЛАРГА

Хар бир халқнинг тили ўзига тегишли сўзлар билан бирга бошқа тиллардан ўзлашган сўзларга ҳам эгадир. Лекин биз "ўзлашма сўз" деб атайдиган сўзлар келиб чиқиши — этимологияси жиҳатидан ўз тилимиздаги сўз бўлиб, бошқа тилларга ўзлашган.

Мана, бир мисол. Машхур тилшунос, герман ва туркий тиллар билимдони В.Д.Аракиннинг (1904 — 1983) ёзишича, рус тилига туркий тиллардан ўтган "достакан" сўзи "Игор жангномаси" асаридида қўлланган ва "Тостакан/тустуган" шаклида "сув ичиладиган ёғоч идиш"ни ифодалаган. Кейинча бу сўздаги биринчи бўгин -до тушиб қолиб, у "стакан" шаклини олган. Яна бир мисол: шиш — "пуфак" сўзи туркий тилларнинг аксариятида мавжуд. Лекин XIV асрдан бошлаб бу сўз рус тилида "ҳеч нима, ҳеч нарса" маъносидида "шиш" шаклида қўлланиб келинмоқда.

## Сўз — хазина

Рус тилидаги кўпгина сўзлар туркий тиллардан ўзлашган. Мисол: казна — туркий "газна", арабча "хазина"дан олинган. М.Фасмер тузган рус тилининг этимологик луғатида бу сўз туркча хазна, крим-татар тилида хазна, деб берилган. Казначей — казначы/казначыца — "газачи" ҳам шу сўз асосида яратилган. Ёки рус тилида баш ("бош") сўзи "бошқа" шаклида ҳам қўлланади. Шу сўз асосида "бошма бош" — "баш на баш" сўзи бирикмаси ясалган. Славян тилларида, хусусан, рус тилида сургуч ("сургич" сўзидан), очаг ("чоқ" сўзидан), таз ("тос" сўзидан), инжир ("анжир" сўзидан), изюм ("узум" сўзидан), чалма ("салла" сўзидан), каурдак ("ковурдок" сўзидан), куржун ("хуржун" сўзидан), шаровар ("шарвар" сўзидан), камыш ("камиш" сўзидан), кирпич ("гишт" сўзидан) каби юзлаб сўзлар қўлланиб келмоқда.

А.В.Миртов тузган "Донской словарь"да дон казаклари шеваларида қўлланган туркизмлардан каймак ("қаймоқ"), чиганок ("чиганок"), малик ("хўжайин"), кавун (қовун), балик ("балик"), бу сўздан бальчик — балички сўзи ясалган, курган ("қалъа") қабилар қўрсатилган.

Е.Н. Шилова тузган "Словарь тюркизмов в русском языке" китобига беш мингга яқин сўз киритилган. Бу луғатда чак-чак, кайф, кинжал, колбаса, курага каби сўзлар ўзбек тилидан ўзлашган, деб кўрсатилган. "Курага" сўзи ўзбек тилидан рус тилига ўзлашгани Н.М.Шанский ва бошқалар тузган "Этимологический словарь русского языка" китобидида ҳам тасдиқланган.

Ярлик — "ярлык" шаклида қадимий уйғур ёдгорликларида учрайди, деб кўрсатади С.Е.Малов. Бу сўз қадимий мўғул тилида "джерлик", ҳозирги мўғул тилида "зарлык" шаклида учрайди ва рус тилида кўп қўлланади. Баскак: сўзининг ўзига "бас" деб таъкидлайди машхур немис тилшуноси Г.Дёрфер. "Бас" асосига -рак (как) аффикси қўшилган. "Баскак" сўзини М.Фасмер ўз луғатида чигатоича муҳрдор (муҳр босувчи) маъносидида қўлланишни ёзган. Машхур туркийшунос олим Н.А.Баскаков ўзининг исми-шарифи туркий сўздан олинганини фахрли билан айтади.

Орда, ўрда — "хон тўхтайдиган жой", "сарой" маъносини ифодалайди. Бу сўз рус тилидан ташқари мўғул тилида "орд (он)" ва бурят тилида "ордон" шаклларида учрайди.

Алий — "ола", каурий/коурый — "кўнғир" сўзлари асосида ҳосил бўлган ва улар рус ҳамда бошқа славян тилларида фаол қўлланиб келмоқда. Биҳи/беҳи аслида high ўзагидан ҳосил бўлиб, эраимиздан аввалги IV — VI асрларда скиф ва сарматлар томонидан қўлланган. Кейинча "б" товуши "р"га ўтган, ригу шаклида туркий тилларида қўлланган ва форс тилида рийи — беҳига айланган.

Атоқли ўзбек тилшуноси профессор Аюб Фуломовнинг мероси қизиқарли гоё ва маълумотларга жуда бойдир. Унинг "Ўзбек тилида — мон аффикси" номли мақоласида — мон ўзбек адабий тилида махсус сўз ясовчи аффикс экани кўрсатилган. Турк тилшуноси Б.Аталий шу аффикс ҳақидаги асаридида унинг қадимда "одам" маъносидидаги мустақил сўз бўлгани ва у "манжур (манджур)" сўзи таркибидида борлиги, инглиз тилидаги map (map — кўплик шакли) — одам сўзининг бунга алоқаси борлигини ёзган.

Бу фикрдан хабардор бўлган профессор Аюб Фуломов шундай саволини ўртага ташлаган: "Бу фикрнинг Н.Я.Маррнинг айрим асарларида учрайдиган фантастик характердаги этимологик ёритишларга жуда ҳам яқинлиги сезилиб туради: туркий -ман аффикси билан инглизча "map" сўзининг генетик алоқаси борлигини ишониб бўлармикми?"

Таниқли ўзбек тилшуноси профессор Жамолиддин Бўронов "Қадимий инглиз тилида -map ярим суффикси" мавзусидаги номзодлик диссертациясида "map" сўзи бошқа сўзлар таркибидида ўз мустақил маъносини биров йўқотиб, одам ва одамларнинг жинсини, касбини кўрсатувчи ярим суффиксга айланган, деб ёзади: human (одам), woman/women (аёллар), salesman (эркак сотувчи), saleswoman (аёл сотувчи), fisherman (қассоб) ва ҳоказо. Жаҳон тилларида мустақил сўзлар аффиксларга айланишига оид мисоллар кўп.

Профессор Аюб Фуломов юқоридида саволида академик Н.Я.Маррнинг барча тиллардаги сўзлар тўрт элементдан юзага келган, деган фантастик фаразини назарда тутган. Албатта, бу нотўғри ва ноилмий фикр. Лекин ҳозирги даврда жаҳондаги барча тилларни олтига оилга бирлаштирувчи ва уларни бир-бирига алоқадор ҳисобловчи тилшунослик назарияси таъминича map/map номли шаклида ҳинд-европа тилларида, хусусан, форс, тожик, дари, пушту тиллари орқали герман тилларидан туркий тилларга ўзлашган бўлиши мумкин.

**Абдузўхур АБДУАЗИЗОВ,**  
профессор

ка қўшилаётган салмоқли ҳисса эканига шубҳа йўқ. Журналнинг ушбу сонидида Ф.Достоевскийнинг "Иблисар", Д.Алининг "Шарқнинг энг буюк ҳукмдори" романилар давоми билан Шунингдек, Михаил Булгаковнинг "Дон Кихот" драмасини (Низом Комил таржимаси), Андрей Воснесенский шевърлари (Сирождиддин Саййид таржималари) ҳам ушбу сонда ўқийсиз. "Устоз таржимоналар бисотидан" рундида Фафур Фулом таржималарини қайта мутолаа қиласиз. Адабиётшунослардан М.Холбековнинг "Д.Ами-гъери ва унинг илоҳий комедияси", Н.Каримовнинг "Истикбол йўлида кечган умр", Р.Қўрқорнинг "Зигмунд Фрейд таълимоти...", ва бошқа Шарқ Фарб адиблари ижодиети, унитилмас сиймолар ҳақидаги муҳтасаб ва маълумотларга бой мақолалар ҳам эътиборингизни жалб қилиши тайин.

## Журналларни варақлаганда

дур қилади. Замонавий ва қўнча япон адабиёти намуналари журналхонларга манзур бўлишини таъкидлаш ўринлидир. Ҳазрат Алишер Навоийнинг "Кундуз ул хуршиди рахшондин қўзимга ёш эрур..." мисраси билан бошланадиган газали, унинг русчага А.Старостин томонидан амалсиз, Қ.Эргашевнинг мазукур газал шарҳи ва таржимаси таҳлилу улуғ шоир ижодиетидан берилаётган сабоқларнинг мантисий давоми. Журналда сабоқларнинг бундай изчил ёритиб келинаётгани навоийшунослик

тилга олинган. Профессор Қ.Хоназаровнинг "Тил билмоқ — давр талаби", Д.Баҳридиновнинг "Янги инсон қиёфалари", Э.Насруллаевнинг "Оғоч ортидаги ўрмон" мақола ва тадиқотларида тил билишини афзалликлар, бугунги ўзбек шеърини болалар адабиётининг ютуқ ҳамда муаммолари ёритилган.

Шоир Икром Отамуроднинг бир туркум янги шеърлари, ёш ёзувчи Анвар Сууюновнинг "Эрта кетган болалик" ҳикояси бадий адабиёт муҳлисари эътиборини тортади. Шунингдек, Ш.Сууюновнинг "Спорт менинг ҳаётим", А.Самаднинг "Тусмол билан яшаш фожиаси" мақолалари, турли учрашув, маданий-маърифий тadbирлар ҳақида хабар ва фотолар билан ҳам "Гулистон"нинг ушбу сонидида танишасиз.

Мустақилликимиз абадий бўлсин!

ҳисоблайсизми?", деб сўраб қолишади. Мен: "Менинг Ватаним юрагимда, юрагим эса Ўзбекистонники", — деб жавоб бераман", дейди соф ўзбек тилида.

Бу неъматларнинг қадрига етиб, улуг аждодимиз Захриддин Мухаммад Бобур айтганидек, "Бир неъматга — бир шукр, бир шукрга — бир неъмат", деб яшамок керак. Доим оғох, сергак, маънавий уйғоқ, фидойиларга айланмоғимиз шарт. Қарор бизни ана шунга даъват қилаётир. Мустақиллик бизлар учун кўзаларимизнинг қорачиги. Қўз қорачиги қандай асралса, мустақиллигимизни ҳам шундай асрашга даъват этмоқда.

Мустақил Ўзбекистон ташқи олам билан муносабатларини ўзаро тенглик, ўзаро ҳурмат асосида, очик ва ошқоралиб бормоқда: у ўз мустақиллигини ҳаётмамот масаласи деб билади. Хамкорларига, тузган келишув, шартномаларига содиқ, Бизга тинчлик, фақат тинчлик керак. Чунки қиладиган ишимиз жуда кўп.

Биз мураккаб, таҳликали замонда яшаймиз. Тўрт томонимизда нотинчлик. Агар ташқарида бир ўт чикса, унинг тутини ичкарига қиради. Глобаллашди. Афғонистон — ана шундай дардли

дунё она ва бола саломатлигини сақлашда бизнинг тажрибамизни ўрганаётир. Бу ҳақда Тошкентда бўлиб ўтган халқаро конференция иштирокчиларининг фикрларидан фойдаланилса, тарғибот самарадорлиги янада ошади.

## ШАҲАРПАШАЁТГАН МАМЛАКАТ

Мамлакатимиз, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси янгилашиб, чирой очиб, обод ва гўзал бўлиб бораётир. Халқимизнинг асосий қисми қишлоқда яшайди. Улар учун муносиб турмуш шароитини яратиш, ижтимоий инфратузилма тармоқларини

барпо этиш бўйича махсус давлат дастурлари халқимиз фаровонлигининг амалии намойиши бўлмоқда.

Советлар оламга "шаҳар билан қишлоқ тафовутини йўқотамиз!" деб жар солишди. Лекин 74 йилда биз сўнгги 4 йилда қилган ишни ҳам қила олмади (Аслида бунга истармиди?). Айрим давлатларда бу муаммо ҳали кун тартибига ҳам қўйилган эмас, газетларнинг "Пойтахтда — XXI аср, 100 км орамнинг — XVIII аср", деб ёзаётгани одамнинг раҳмини келтирилади.

Халқимиз ҳар ҳафта, ҳар ойда бир янги манзаранинг гувоҳи бўлаётир. Ҳар бир туманда янги, замонавий маҳаллар қад кўтармоқда. Бу бири берида гўзал, ярқираб турган шинам биноларни кўрганлар — махлиё.

"Ўзбекистонда уйлар пухта ва мукамал лойиҳалар асосида қурилмоқда", — дейди Нидерландиянинг "Laurey Architecture & Engineering" компанияси директори, архитектор Роланд Лаурей. — Уларда уй эгаларининг эркин ва бахтли яшашини учун барча қулайликлар яратилган: Бу ерда ободлаштириш ишлари, жумладан, турли даража кўчаларини экиш яхши одатга айланган гоёта қувончи.

Бухородаги Пойи Калон мажмуасидаги обидлар шу қадар мустаҳкам қурилган эканки, орадан неча юз йиллар ўтсада, қучли зилзилаларга ҳам бардош бериб турибди. Бу — Ўзбекистонда меъморчилик азалдан юксак даражада тараққий этганидан далолат.

Президент Ислам Каримов ташаббуси билан қишлоқларимизга комплекс равишда барпо этилаётган ушбу массивлар ва уй-жойлар ҳам кўп асрлар халқимизга хизмат қилишига ишонаман.

Нимагаки эришган бўлсак, уларнинг негизиди одамларимизнинг сиёсий, ҳуқуқий, маданий савияси ва ижтимоий фаоллиги мужассам бўлди. Шунинг учун ҳам Қарорда халқимизнинг "барча ютуқларимизнинг ижодкори ва бунёдкори" эканлиги чуқур ҳурмат билан тилга олинган. Яъни, халқимизнинг онгу тафаккури, дунёқарашини, ишга, ҳаётга муносабати бутунлай ўзгариб, дахлдорлик туйғуси, ўз кучи ва имкониятига ишончи мустаҳкамлашиб бораётгани таъкидланган.

Мана шу эмасми, юксалаётган маънавиятнинг бунёдкорлик кучи, қудрати! Аввал одамларнинг онги, қалбига эзгу ниятлар жо қилинди. Ўз навбатида, бу кутлуг ниятлар миллионлаб кўз, тил, қўлларни бунёдкорлик ишларига сафарбар қилди.

## НОТИНЧ ДУНЁ

"Мамлакатнинг тинч ўтган бир кунги қанча тураркан?", деб ўйлаб кўрганмисиз? Бунинг баҳосини битта рақамда чиқарса ҳам бўлади, албатта. Лекин биз учун энг муҳими — юртимиздаги тинчлик. Миллатлар орасидаги, динлар орасидаги дўстлик, ҳамфирқлик, ҳамкорлик, меҳр-оқибат. Бу бошқаларнинг ҳавасини келтирмоқда. Бугун Ўзбекистонда яшаётган 130 дан ортқ миллият ва элат вакилларида мана бундай сўзларни эшитаямиз.

Жумладан, тошкентлик Виктор Пак: "Ўзбеклар қорейс халқига ўз бағриддан жой берган. Қорейслар 1937 йилда келиб, шу юртни Ватаним деб яшаяпти. Ўзбекистон ҳаётининг барча соҳаларида фаол иштирок этаётти. Масалан, мен фақат Ўзбекистонда ўзимни инсон, шахс сифатида ҳис қиламан, тўқис ҳаёт кечираман. Яқинда Жанубий Қорейга борган эдим. Бир ҳафта зўрга турдим. Ўзбекистонимни соғиндим. Тез қайтиб келдим. Баъзан мендан: "Сиз Ўзбекистонни Ватаним деб



Тошкент. "Маърифат маркази". Е.ШАМСИДДИНОВ (ЎЗА) олган сурат.

Кўнглик 97 ёшли тўқувчи Паттихон ая ўша қора кунлар ҳақида шундай гувоҳлик беради:

"Шўролар тинчгина уйда ишлаб ўтирган ҳунармандларга кун бермасди. 1948 йилнинг ёз кунларидан бирида ичкари уйимизда бўз тўкиб ўтирган эдим. Бирдан ҳовлида шовқин кўтарилди. Бир пайт ичкарига тўртта комсомол бостириб кирди. "Санми, эскилик сарқитини уйда сақлаётган", деб сўкишди. Тўқувчилик дўқонимни синдириб, ҳовлига олиб чиқиб, ёқиб юборишди. Дастгоҳимдан биргина мана бу тош хотира бўлиб қолган".

Президент Ислам Каримов 1990 йилнинг 20 январиди Тошкент шаҳар фаоллари йиғилишида сўзлаган нутқида таълим тизими "қолдик" принципи асосида ишлашини кескин танқид қилиб: "Қолдик" принципи, айниқса зарарли эканини таъкидламоқчиман. Чунки бу принцип ҳар бир халқ учун энг қиммат

# АБАДИЙ БЎЛСИН!

нарсига — келажакка болта уради", дея таъкидлаган эди.

Кўпчилик Кадрлар тайёрлаш миллии дастурини 1997 йилда ишлаб чиқилиб, амалга оширилди, деб юради. Аслида бу гоё ундан 7 йил илгари кўтарилган эди. Давлат раҳбари Ислам Каримов 1990 йил 4 августда "Бизга кадрлар тайёрлашнинг махсус миллии дастури керак", деган масалани ўртага ташлайди. Бугун, 2013 йил. Эндиликда Миллий дастури-миздан нафақат биз, балки дунё баҳраманд — ўрганиб, фойдаланиб, миннатдор бўлмоқда.

## ЯНА ФАРЗАНДЛАРИМИЗ МАСАЛАСИ

Озод ва обод Ватан ёшлари қандай бўлишлари керак? Бу саволга Президентимизнинг халқимизда машхур бўлиб кетган "Фарзандларимиз биздан кўра қучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт!" деган даъвати жавоб. Ўз вақтида бу марра жуда-жуда баланд қўйилган эди. Бугун унинг натижалари ҳар биримизни қувонтирмоқда.

Собиқ совет мактаби амалда ёшларни мустақил ҳаётга тайёрламади. Далил: 100 нафар мактаб битирувчисидан 90 нафари мактабни тугатиб, ҳунарсиз, бекорчи бўлиб кўчада қоларди. "Кадрлар тайёрлаш миллии дастури" бунга чек қўйди. Бугун улар сентабрь ойида ё биринчи "маошини ёки биринчи стипендияларини оладилар.

Яна бир мисол. 1991 йилда ўсмирларимиз Мексикани харитадан зўрга топарди. 2011 йилда ўсмирларимиз Мексикани ҳайратга солиб қайтишди. 15 ёшли болаларга "Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллиги" кўркак нишони, ўзимизда ишлаб чиқарилган "Спарк" енгил автомобиль соғва қилинди.

Команда аъзоси, сирдарёлик 15 ёшли Бобур Давлатовга ҳам "Спарк" соғва қилишди. У галати бола экан. Калитни олган, "ва-у-у" деб жазавага тушди, ўзини кўз-кўз ҳам қилмади. Камтарин, ўзбекона бир одоб билан: "Мен Президентимизнинг оддий қишлоқ болаларига яратиб берган шароит ва гаумҳўрликларини туйғайли шу кунга етдим. Жуда бахтлиман. Бугун отам Баҳодир Давлатовнинг туғилган кунлари. Машинами у кишига соғва қиламан", деди.

Бу гапларни ким айтаётир? Бобурми? Ёки "ҳам маъна, ҳам жисмонан баркамол авлод"нинг ёнимизда турган бир вакилими? Бизнингча, қомил инсон гоёси 15 ёшли Бобурнинг тилидан сўзлади.

## ОНАЛАР ЭЪЗОСИ

Агарда бир киши умрингизни 6 йилга узайтириб берса, уни нима деб дуо қилардингиз? Бутун бошли халқнинг умри шунчага узайса-чи? Ўтган йилларда ўзбекистонликларнинг ўртача умри 67 ёшдан 73 ёшга узайди. Аёллар — мунис оналаримизнинг умри 75 ёшдан ошди. Оналари ҳаёт юртдошларимизга ҳавасимиз келади. Нуроталик кекса юртдошимиз, нафақадига врачнинг хотирлашича, Ўзбекистон бир пайтлар оналар ва болалар ўлимининг сони жиҳатидан собик иттифоқда домий иккинчи-учинчи ўринларда турган. Бу ҳақда гапириш, ёзиш мумкин бўлмаган. Марказдан жойларга (жумладан, Нуротага) бурчдаги "махфий" деган тамга босилган циркулярлар келиб турган. Мустақиллик бу мудҳиш генотцидни тўхтади. Юз минглаб она-болаларимизни ажал чангалидан сақлаб қолди. Бугунги кунга келиб, Ўзбекистонда оналар ўлими 2 баравардан кўпроққа, болалар ўлими эса 3 бараварга камайди. Бугун



# САХНАДА ЗАМОНДОШ СИЙМОСИ

**Бугун турли соҳаларда фаол меҳнат қилиб, ўз истеъдоди ва маҳорати билан юрт таракқиётига қамарбаста бўлаётган фидойи, захматқаш инсонларнинг бадий қиёфасини яратиб, уларни кенг жамоатчиликка танитиш миллий маданиятимизнинг барча жабҳалари учун устувор вазифага айланган. Замон қаҳрамони образини яратиш борасида театр ижодкорлари ҳам самарали изланишлар олиб бормоқда.**

Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирлиги "Ўзбектеатр" ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Миллий телерадиокорпорацияси ҳамкорлигида мустақиллигимизнинг 22 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган "Сени куйлаймиз, замондош!" II республика танлови юртимиз театрларининг ижодий имконияти, давр билан ҳамнафас руҳда яратилган асарларнинг саломига ва савиясини тўқис намоеъ этди.

Анжуман танловининг мазмун-моҳияти, тақдим этилган спектаклларнинг мавзу ва вазияти, жанр хусусиятлари тобора янгилашиб, бадий асоси мустақамлашиб бораётганини кўрсатди. Танловнинг Ўзбек миллий академик драма театрида бўлиб ўтган очилиш маросимида соҳа мутахассислари, таниқли театр ижодкорлари ҳамда саҳна санъатига бефарқ бўлмаган барча қизиқувчилар иштирок этишди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Минхожиддин Хожиматов бундай танловлар Ватан мустақиллиги, юрт осойишталиги ва бунёдкорлик ишларида катта ҳисса қўшаётган халқимизнинг чин инсоний фазилатларини тараннум этиш билан биргаликда, жамиятимизни янгилаш, ҳаётимизда учраб турадиган айрим иллатларни бартараф этишга хизмат қилишини таъкидлади.

Шундан сўнг томошабинлар эътиборига Миллий театр жамоасининг "Ойдин" спектакли ҳавола этилди. Бугунги кунда долзарб муаммолардан бирига айланган одам савдоси ва унинг муҳим иллатларини бартараф этишга қаратилган мазкур саҳна асариде касбга садоқатни олий шараф сифатида қадрлаб, ўз вазифини

виждонан бажарётган журналист қиз Ойдин (З.Фулмова) тимсолида замонамизнинг жонкуяр зиёлиси намоеъ бўлади.

Эътиборли жиҳати, театр ижодкорлари замон қаҳрамони қиёфасини турли соҳа вакиллари орасидан излаётганлиги кейинги намоишлар вақтида ҳам кўзга ташланди. Хусусан, А.Бакиров номидаги Андижон вилоят ёшлар театрининг "Меҳр қолур" спектаклида шоир Мухаммад Юсуфнинг ибратли ҳаёти орқали шоирлар, Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат музыка театрининг "Нур сояда қолмас" спектаклида тадбиркор аёллар, Фаргона вилоят рус драма театрининг "Фаришта" асариде миллий ходимлари, Хамид Олимжон номидаги Самарқанд вилоят музыкали драма театрининг "Садоқат"ида шифокорлар, Ўзбек давлат драма театрининг "Ҳаёт формуласи"да олимлар, "Эски маич" театр-студиясининг "Ҳаёт бусағасида" спектаклида эса талаба-ёшларнинг илмий-ижодий изланишлари акс этган.

Шунингдек, танловга тақдим этилган Муқимий номидаги ўзбек давлат музыка театрининг "Меъмор", Маннон Уйғур номидаги Сурхондарё вилоят музыкали драма театрининг "Алла", Юсуфжон қизик Шакаржонов номидаги Фаргона вилоят музыкали драма театрининг "Сени соғиндим", Сапар Хўжаиев номидаги Қорақалпоқ давлат ёш томошабинлар театрининг "Она қизим, чирогим", Ташкент давлат музыкали комедия (опера) театрининг "Муҳаббат аксадоси", Олим Хўжаев номидаги Сирдарё вилоят музыкали драма театрининг "Аёл қадри" каби саҳна асарларида ҳам замон қаҳрамонининг ўзига хос талқинларини кузатиш мумкин.

Танлов доирасидан ташқарида ўтказилган намоишлар ҳам муҳлисларда катта қизиқиш уйғотди. Ўзбекистон Ёшлар театрининг "Қабоҳат тўзғи XXI" спектаклида аср вабоси саналмиш гиёҳвандлик иллатининг зарарли оқибатлари сўзсиз, яъни ҳаракатга асосланган пластик-шоу шаклида очиб берилган бўлса, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти талабаларининг "Ҳалима" спектакли ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида намоиш этилди. Танловнинг яна бир муҳим хусусияти — тажрибали драматурглар билан бир қаторда ёш ижодкорларнинг асарлари ҳам саҳна юзиде кўрди. Театрларда драматург-режиссёр ҳамкорлигини йўлга қўйиш, соф ижодий муҳитни қарор топтириш, соҳада устоз-шогирд анъаналарини шакллантириш учун барча имкониятлар яратиб берилди.

Ҳар бир спектакл якунида тажрибали мутахассислар, олим ва мунаққидлар, талаба-ёшлар иштирокида қизгин баҳс-мунозаралар, ўзига хос маҳорат дарслари ташкил этилди.

Бугун Ўзбек Миллий академик драма театрида "Саҳнада замондош образи" мавзусида илмий-амалий конференция, голиб ва совриндорларни тақдирлаш ҳамда танловнинг тантанали ёпилиш маросими бўлиб ўтади.



Муқимий номидаги ўзбек давлат музыка театрининг "Меъмор" спектаклидан лавҳа.

Мамлакатимизнинг мустақиллик эришиши миллий маданиятимизнинг барча соҳалари қатори театр санъати таракқиётида ҳам янги саҳифа очди. Хусусан, замон қаҳрамонининг бадий қиёфасини яратиш — истиқлол даври театр ижодкорлари зиммасидаги асосий вазифалардан бирига айланди. Мухтарам Президентимизнинг 2010 йили Бухоро шаҳрида бунёд этилган вилоят музыкали драма театрининг янги биносига ташрифи чоғида билдирган фикр-мулоҳазалари бу борада олиб борилаётган ишларнинг негизини ташкил қилади. Чиндан ҳам биз саҳнада қўришни истаётган замон қаҳрамони бу шунчаки давримизнинг оддий воқелиги эмас. Унинг саҳнавий қиёфасини яратишда урфга айланган эски қолиплардан фойдаланиб бўлмайди. Зеро, бугунги кун қаҳрамони, аввало, бизнинг замондошимиз, ўзининг турмуш тарзи, орзу-умидлари, қайси касб эгаси бўлишидан қатъий назар, фидойилиги билан инсонларга ўрнак бўла оладиган, жамиятимизнинг илгор вакили бўлиши зарур.

Хозирги кунда мамлакатимизнинг барча театр жамоалари замон

қаҳрамони образини яратиш йўлида жиддий изланишлар олиб бормоқда. 2011 йили илк бора ташкил этилган "Сени куйлаймиз, замондош!" танлови бу борадаги муҳим қадамлардан бири бўлди. Очигини айтганда, замон қаҳрамони мавзусига бағишлаб республика миқёсида танлов ўтказилишининг ўзбек, қизгин ижодий жараёни бошлаб юборди. Сабаби, дунёнинг ҳамма давлатларида ҳам бундай анжуманлар ўтказилавермайди. Бу тажриба биринчи бўлиб, бизнинг мамлакатимизда бошланди.

Мазкур жиҳатни ҳисобга олган ҳолда дастлабки танлов кўпгина театрлар учун ўзига хос мактаб вазифини бажарди, дейиш мумкин.

Бу йилги танлов мамлакатимиз театр жамоаларининг замонавий қаҳрамон қиёфасини яратиш борасидаги ўзига хос изланишларини намоеъ қилди. Бир қарашда, замонавий асарлар яратиш театр саҳнасидаги доимий жараён бўлиб туолиши мумкин. Бироқ, замон қаҳрамони сиймоси замирида томошабинлар кутган самий инсон қиёфасини ярати олиш катта масъулиятни талаб қилади. Шунинг учун ҳам танловда иштирок этувчи спектакллар соҳа мутахассислари иштирокида ташкил этилган саралаш босқичлари довомида танлаб олинди. Бу жараёнда, албатта, мавзу долзарблиги, драматургик маҳорат, режиссёрлик ёндашуви, актёрлик ихроси, сценария ва бошқа жиҳатларга эътибор қаратилди. Мисол учун, бу йил танловга мамлакатимиз театрлари томонидан эликка яқин спектакллар тақдим этилди. Эътиборли жиҳати, улар орасида таниқли режиссёрлар билан бир қаторда, ёш, умидли ижодкорлар томонидан яратил-

ган саҳна асарлари ҳам жой олган.

Маълумки, драматургияда яратилаётган хар бир асарга муаммо кўя билиш асосий шартлардан бири ҳисобланади. Бироқ мукамал саҳна асарини яратиш учун бунинг ўзи етарли эмас. Спектакл муаммони ўртага ташлаш билан бирга, унинг ечимига йўл кўрсатиши, сабоқ ва ўрнак бўлиши, энг муҳими, томошабинда умидбахш туйғуларни уйғотиши лозим. "Сени куйлаймиз, замондош!" танлови учун спектакллари саралаб олиш-

да айнан мана шу жиҳатга алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, ушбу танловни ўтказишдан қўзланган асосий мақсадлардан яна бири — бу истиқлол йилларида етишиб келаётган янги авлод ижодкорларини қўллаб-қувватлаш, салоҳиятини юзага чиқаришга имконият яратишдан иборат.

"Сени куйлаймиз, замондош!" республика танлови эндигина иккинчи мартаба ўтказилаётганини ҳисобга олсак, биз кўзла-

ган асосий мақсад сари интилиш ва изланишларнинг кўламини тобора кенгайтиб, томошабинларимиз ҳақли равишда талаб қилаётган замонавий мавзулардаги бадий пухта саҳна асарларининг юзага келиши учун мустақам пойдевор бўлишига ишонамиз. Зеро, юртимиз кундан-кун чирой очиб, ҳар соҳада бунёдкорлик ишлари юксалиб бораверар экан, фидойи замондошларимизнинг бадий қиёфаси акс этган саҳна асарларига эҳтиёж ортиб бораверади.

**Омонулла РИЗАЕВ,**  
"Ўзбектеатр"  
ижодий-ишлаб  
чиқариш бирлашмаси  
раҳбари

Азалдан маълумки, қаерда ижодий турғунлик бўлса, шу ерда ўсиш, юксалиш бўлмайди. Драматург ҳам дунёдан узилган ҳолда, яқна ўзи ижод қила олмайдди. Ўз истеъдоди ва маҳоратини тўла намоеъ этиши учун унга соғлом муҳит, профессионал ижодкорлар кўмаги керак бўлади. Шу маънода, бугунги танлов барча драматурглар учун ижодий тажриба алмашиш имконини берди.

Юртбошимизнинг театр санъати аҳлига қарата айтган фикрлари, саҳнада замон қаҳрамони сиймосини яратиш борасидаги даъватлари бадий ижод билан шуғулланувчи қалам аҳли зиммасига бирдек масъулият юкляди. Сир эмас, бугун кўпга драматурглар инсониятни ташвишга солаётган гиёҳвандлик, халқроқ терроризм, акцидапарастлик, одам савдоси каби муҳим иллатларни бартараф этишга қаратилган салмоқли асарлар яратиш йўлида изланмоқдалар.

Албатта, драматург сифатида мени ҳам юқоридеги муаммолар анчадан бери ўйланти-

риб келарди. Айниқса, мўмай даромад топиш мақсадида хо-рижга қанот қоққан, якунда эса кулликка маҳкум бўлиб, инон-ихтиёри, ўзлigidан Мосуво этилган жабрдийдаларни кўриб, ич-ичидан ачинардим. Мақсадга қай даражада етганимни билмадим-у, айнан шу мавзуга бағишланган "Ойдин"

## ДРАМАТУРГИЯДА ЯНГИ ДАВР

номли пиесам Миллий театрда, Валижон Умаров режиссёрлигида саҳна юзиде кўрди. Бундан жуда хурсандим. Спектакл якунига етгач, муҳлис мутахассислардан ижодий фикр эшитдим. Аммо мазкур мавзунинг кўлами жуда кенг эканини унутмаслик лозим. Шу боис масаланинг ўқ-томирига етиб борол-димми-йўқми, деган савол тинчлик бермапти. Асарнинг саҳнавий талқини, репетицияларни қайта-қайта кўрган бўлсам-да, спектакл тақдими-тини ҳаяжон билан кузатдим.

Гап драматургияга бориб тақалар экан, бир нарсани мамнуният билан қайд этмоқ-

чиман. Ёзувчилар уюшмаси қошида назм, наср, таржима кенгашлари қатори драматургия йўналиши ҳам фаолият кўрсатиб келмоқда. Драматургларнинг асарларини нафақат саҳна ёки экранга олиб чиқиш, балки адабиёт мулки сифати-да қадрлаб, алоҳида китоб шаклида чоп этиш яъни аъна-

лар, адабий эмаслошлар алоҳида фаоллик кўрсатишлари зарур.

Қолаверса, ёш драматургларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш ва энг муҳими, бугунги адабий жараёнга жалб қилиш масаласи ҳар доимгидан-да долзарб аҳамиятни касб этаёттир. Бу йилги танловда ёш драматургларнинг асарлари ҳам иштирок этаётганлигини кўриб, хурсанд бўлдим. Хусусан, танлов дастуридан ўрин олган "Садоқат" спектакли "Саҳна ва экран санъати драматургияси" бўлими талабаси Нодир Маҳидов қаламига мансуб. Умид қила-мики, келаси танловларда ёшлар билан ижодий алоқа-лар янада мустақамлашиб, навқирон авлод тафаккури, қалб-қўри ила яратилган, замонамиз қаҳрамонлари акс эттирилган пухта асарлар албатта, пайдо бўлади.

Тўғри, замонавий мавзуда қалам тебратётган профессионал драматурглар, балки маҳаллий ёзувчилар билан ҳам ҳамкорлик қилишлари, пиеса танла-лашда малакали мутахассис-

лар, адабий эмаслошлар алоҳида фаоллик кўрсатишлари зарур.

Қолаверса, ёш драматургларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш ва энг муҳими, бугунги адабий жараёнга жалб қилиш масаласи ҳар доимгидан-да долзарб аҳамиятни касб этаёттир. Бу йилги танловда ёш драматургларнинг асарлари ҳам иштирок этаётганлигини кўриб, хурсанд бўлдим. Хусусан, танлов дастуридан ўрин олган "Садоқат" спектакли "Саҳна ва экран санъати драматургияси" бўлими талабаси Нодир Маҳидов қаламига мансуб. Умид қила-мики, келаси танловларда ёшлар билан ижодий алоқа-лар янада мустақамлашиб, навқирон авлод тафаккури, қалб-қўри ила яратилган, замонамиз қаҳрамонлари акс эттирилган пухта асарлар албатта, пайдо бўлади.

Тўғри, замонавий мавзуда қалам тебратётган профессионал драматурглар, балки маҳаллий ёзувчилар билан ҳам ҳамкорлик қилишлари, пиеса танла-лашда малакали мутахассис-

моҳиятини теран англаб етса, томошабин дилига, дунёқарашига яқин қаҳрамонларни талқин қилса, чинакам санъаткор сифатида эътироф қозона-ди. Шу жиҳатдан "Сени куйлаймиз, замондош!" сингари танловлар актёр ижодий парвозига қанот бағишлай-ди. Шахсан ўзим ҳам танлов давоми-да намоиш этилган хар бир спектакл-ни кузатиб боришга ҳаракат қилдим. Ҳамкасбларимнинг ижро маҳорати-

## МАҲОРАТ ВА ТАЖРИБА МАЙДОНИ

Мен режиссёрлик қилаётган Сурхондарё вилоят музыкали драма театри ушбу танловда Холиқ Хурсан-дов асари асосида саҳналаштирил-ган "Алла" спектакли билан ишти-рок этди. Жамоамизнинг хар бир аъзоси, айниқса, ёш ижодкорлар учун бу танлов катта маҳорат макта-би вазифини ўтади. Ўзим ҳам режиссёр сифатида ҳамкасбларим-нинг саҳна имкониятларидан қандай фойдаланганини, асар гоҳисини ифодалашда нималарга эътибор қаратгани ва бу йўлда актёрлар зиммасига юклаган вазифаларни ўргандим. Ўйлайманки, бу ҳолат на-фақат менда, балки танловнинг хар бир иштирокчисида кузатилган бўлиши аниқ.

Тўғри, замон қаҳрамони қиё-фасини саҳнада яратиш, уни бадий образ даражасида талқин этиш осон эмас. Бу борада мамлақати-миздаги хар бир театр жамоаси фаол ижодий изланиш олиб бора-ётгани кувонарли ҳол. Шу маънода, айтиш мумкинки, мазкур танлов те-атр жамоалари ўртасида ижодий рақобатнинг шаклланишига за-мин яратди. Яъни, хар бир театр жамоаси ҳамкасбларининг ютуқ ва камчиликларидан ҳулоса чи-қарган ҳолда ўз олдига янада катта мақсад ва вазифалар

кўймоқда. Бу ҳам, ўз навбатида те-атрларимиз фаолиятини ривожлан-тиришга, ранг-баранг саҳна асар-лари, ўзига хос ижодий талқинла-ри пайдо бўлишига хизмат қили-ши, шубҳасиз. Айниқса, танлов ми-кёсида пойтахт театрлари билан бир қаторда вилоят жамоаларининг ҳам иштирок этиши кувонарли ҳодиса. Чунки муҳлисларда вилоят театрлари фаолиятини кузатиб бо-риш имконияти хар доим ҳам бўла-вермайди.

Танлов кунлари давомида режис-сёр, актёр ва бошқа ижодий жамоа вакиллари ўртасида дўстона муноса-бат ва ижодий кайфият қарор то-пганига гувоҳ бўлдим. Бу, албатта, танловнинг байрамона муҳити, янги спектакллар намоиши таъсиридир. Чунки устоз санъаткорлар қадами ет-ган саҳналарда туриб ол роҳ юри қилиш, ижодий изланиш намуна-ларини намоиш этиш хар бир ижод-кор қалбига фахр туйғусини уйғота-ди. Бунинг устига, ўз замондошлар-имиз қиёфасини акс эттириш, улар-нинг тенгсиз фидокорликларини тарғиб этиш биз ижод-корлар учун ҳам масъулиятли ва шарафли вазифадир.

**Мансур РАВШАНОВ,**  
Ўзбекистон санъат арбоби

## ИЖОДИЙ ПАРВОЗГА ҚАНОТ

иллатларга қарши курашиб, адолат ўрнатишга ҳаракат қилади. Бу йўлда ҳатто қувей Мадийр ва қизи Оҳистани ҳам аямайди. Уларнинг тўғри йўлга киришида Султон отанинг сабри, мато-нати ёрдам беради. Айтиш жоизки, "Сени куйлаймиз, замондош!" танлови репертуаридан жой олган бундай спектаклларнинг ёшлар тарбиясига таъсири катта бўлди.

Ижодий беллашувда ёш драматург ва актёрлар фаол иштирок этгани, ал-батта, кувонарли ҳол. Чунки хар қайси соҳада ҳам авлодлар алмашинуви бўлиши табиий. Ёшларнинг касбий маҳоратларини ошиб бориши эса эртанги кун санъатининг ривожини таъминлайди.

Тўғри, биринчи навбатда ушбу танлов катта авлод актёрлари учун синов майдони бўлди. Қачонки, актёр ўзи ижро этаётган ролнинг туб

даги ўзига хос қирраларни илғаб олишга, уларнинг ички кечинмалари қай тарзда намоиш этаётганини англашга уриндим.

Умуман, танлов хар томонлама биз ижодкорлар учун кенг имкониятлар очиб берди. Авваламбор, иш билан бўлиб, қўришолмай юрган ҳамкасб-ларимиз билан учрашдик. Турли талқиндаги ранг-баранг мавзули спектаклларни томоша қилдик ва, асосийси, ҳудди бир оила каби пой-тахт "хонадонига" жамулжам бўлдик. Ўйлайманки, бу танлов ҳали кўп йиллар давомида халқимиз маъна-виятини юксалтиришга ва замона қаҳрамонларини бор буй баста билан кўрсатиш-га хизмат қилади.

**Мухаммадсоли ЮСУПОВ,**  
Ўзбекистон халқ артисти

## ИШОНЧНИ ОҚЛАЙМИЗ

Биз Бердақ номидаги қорақалпоқ давлат музыка театри жамоаси ушбу танлов-да таъқиди драматург Қўчқор Норқобилнинг "Нур сояда қолмас" асари билан қатнаш-ялмиз. Маълумки, бу спек-такл "Қувейни сен уйғотасан" номи билан Миллий театр саҳнасида кўйилган. Шу боис режиссёримиз Наҳмиддин Ансатбаев мазкур асарни янги ечимлар билан бой-тишга, қаҳрамонлар характе-ридаги ўзига хос қирралар-ни топишга ҳаракат қилди. Бу, айниқса, ўзим ижро эт-ган бош қаҳрамон — Шабнам қиёфасида яққол намоеъ бўлади. Шабнам оиласи, қишлоқдошлари манфаати учун жон қуйдиради. Унинг матонати, сабри ва жасора-ти замирида чинакам фидойи замондош образини кўриш мумкин. Ўйлашми-ча, асл замон қаҳрамони ҳам мана шундай фидойи, ирода-ли, бошқалар тақдирига бефарқ қарамайдиган шахс бўлмоғи керак.

Спектакл моҳиятини эса Шабнамнинг ўз мақсадига етишиб, нурнинг сояда қолиб кетмаслигини исбот-лаши ташкил этади. Албат-та, бу биргина мисол, ҳолос. Танлов давомида бун-дай мавзудаги ўндан ошиқ спектакллар на-моиш этилди. Тўғри-сини айтсам, уларни кўриб, ғайратимга ғайрат қўшилди. Яна

кўпга мана шундай замон қаҳрамонларини тараннум этувчи роллар ижро қилиш-ни, ният қилиб қўйдим.

Танлов мобайнида мени хурсанд қилган яна бир жи-ҳат, бу томошабинларнинг эътибори, уларнинг илиқ муносабати бўлди. Хар гал олқишлар, қарсақлар янгра-ганда, ўзгача бир фахр туй-ғусини ҳис этдим. Мени пойтахтимизнинг қурки-чи-ройи, қурилишлар, айниқ-са, хайратга солди. Санъат институтида тахсилни ту-та-тиб қайтганимдан буён кат-та бунёдкорлик ишлари амалга оширилибди. Ижод-кор завқини оширувчи чи-ройли кўчалар, ҳиёбона мух-ташам санъат саройлари кишига завқ бағишлайди. Атрофдаги одамларни кўриб эса "Сени куйлаймиз, замондош!" дегинг келади.

Бу танлов биз каби ёшлар учун ҳақиқий тажриба макта-би, изланишларимиз йўлида имконият майдони бўлди. Биз, албатта, бу ишончли масъулият билан адо этиш-га, ҳаётимизнинг турли жабҳаларида фаолият юритаётган фидойи замон-дошларимиз образини бор истеъдодо салоҳиятимизни ишга солган ҳолда намоеъ этишга ҳаракат қиламиз.

**Сарвиноз АННАКУЛОВА,**  
актриса, "Нихол"  
муқофоти совриндори



Самарқанд вилоят музыкали драма театрининг "Садоқат" спектаклидан лавҳа.

**Саҳифани Азиз ИМОМОВ, Шохруҳ АБДУРАСУЛОВ**  
ва Азиз МАТЁҚУБОВ тайёрлади.

